ХОТИРА

ПАМЯТЬ IN MEMORY

МИРЗАЛИ ТУРЕБЕКОВ
(1954 – 2022)



Археолог олим, фидоийи устоз М. Туребеков 1954 йил Қорақалпоғистон Республикаси Қораузак туманида туғилган. Олимнинг археологияга бўлган кизикиши Я. Ғуломов номидаги Археология институти аспирантурасига киришига сабаб бўлди. Олимнинг дастлабки тадқиқот йўналишлари Қадимги Суғд қалъа ва мудофаа иншоотларининг – фортификацияси тарихини ўрганиш билан боғлик бўлди. Айниқса, олим Афросиёб шаҳрининг энг қадимги даврларига тегишли маданий қатламларини ўрганишга катта ҳисса қушди. Ўтган асрнинг 70–80 йилларида Қадимги Сўғд ҳудудидаги шаҳарларини археологик ўрганиш асосида, 1981 йил «Оборонительные сооружения древних поселений и городов Согда (VII–VI вв. до н. э. – VII в. н. э.)» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади. Археолог олимнинг номзодлик диссертацияси асосида монографияси чоп этилди.

Жонкуяр олим М. Туребековнинг кейинги илмий изланишлари Жанубий Оролбўйи халқлари қадимги давр тарихи билан боғлик бўлиб, қорақалпоқ археологияси фанининг ривожига катта меҳнати синган. 1985 йилдан бошлаб ҚҚДУ Миздахкон археологик мажмуаси стационар экспедициясига бир неча йиллар давомида раҳбарлик қилди. Археолог олим М. Туребеков Миздахкон (Гаврқалъа) ёдгорлигининг даврини аниқлаш бўйича олиб борилган илмий изланишларида тўлиқ иштирок этиб, қалъанинг пойдеворига бундан 2400 йил илгари асос солинганлигини аниқлади.

Шунингдек, археолог олимнинг Қўнғирот тумани ҳудудидаги Тупроққалъа, Боғрахон, Қораўзак тумани ҳудудидаги Бағдодқалъа ёдгорликларида олиб борган қазишма ишларининг хулосалари Жанубий Оролбўйи ўрта аср шаҳар қурилиши маданиятини ўрганишда янги илмий асосларга мустаҳкам омил бўлди.

Туребековнинг самарали олиб борган қазишма ишлари натижасида, ёдгорликларнинг топографияси, стратиграфияси ва моддий маданият бўйича янги илмий маълумотлар тўпланди. Археолог олим М. Туребеков иштирокида Жанубий Оролбўйи халқларининг қадимги

даврдан бугунги кунга қадар тарихи бўйича халқимизнинг ўтмиш тарихига қизиқувчи кенг жамоатчилик учун бир қанча китоблар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар нашр этилди.

Жумладан, «Қубла Арал бойы халықлары тарийхынан» (М. Мамбетуллаев билан биргаликда, I–III жилд, Нөкис, 1997, 1998) ва «Қарақалпақстан тарийхы» (М. Мамбетуллаев, О. Юсупов билан биргаликда, Нөкис, 2010) китоблари чоп этилган.

Шунингдек, олим Қорақалпоқ давлат университети Тарих факультети талабалари, магистрант ва докторантларининг илмий изланишларига узоқ йиллар давомида раҳбар ва илмий маслаҳатчи бўлиб фаолият кўрсатди.

М. Туребеков Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 май кунги Фармонига асосан «MEHR-SAXOVAT» кўкрак нишони билан тақдирланди. Узоқ йиллик самарали меҳнатлари орқали танилган археолог олим, устоз 2022 йил 19 августда оламдан ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги Я. Ғуломов номидаги Самарканд археология институти, Фанлар академияси Миллий археология маркази, Қорақалпоқ давлат университети ректорати ва Тарих факультети жамоаси марҳумнинг оила аъзоларига чуқур қайғу билан ҳамдардлик билдиради.